

Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси

2. Мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқнинг бир-биридан фарқи нимада?
3. Эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ҳақида маълумот беринг.
4. Ўзбошимчалик билан иморат қуриш ва унинг оқибатларини тушунтириб беринг.
5. Оммавий мулк нима ва унинг хусусиятларини тушунтириб беринг.
6. Виндикация нима?
7. Мажбурият ҳуқуқи, унинг муддати ва бажариш ҳақида нималарни биласиз?
8. Фуқаронинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари деганда нимани тушунаси?
9. Вакиллик нима ва у қандай шаклларда амалга оширилади?
10. Ишончнома, унинг муддати ва хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.
11. Ишсиз деб эътироф этиш ва унинг тартиби, мақбул келадиган иш ҳақида нималарни биласиз?
12. Аҳолининг қайси тоифалари учун ишга жойлашишда қўшимча кафолатлар белгиланган?
13. Фуқаролар неча ёшдан ишга қабул қилинади ва бу борада қонунчиликда қандай талаблар қўйилган?
15. Ногиронлик пенсияси ва ногиронлик нафақасининг бир-биридан фарқи нимада?
19. Қандай турдаги ижтимоӣ муносабатларга нисбатан даъво муддати қўлланилмайди?
20. Мулк ҳуқуқи қандай вужудга келади?
21. Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиш асослари нималардан иборат?
22. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумӣ ва хусусӣ мол-мулки, кўп квартирали уйлари бошқариш тартиби ҳақида маълумот беринг.
27. Қандай ҳолларда мурожаатлар кўрмасдан қолдирилади?
28. Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш деб ҳисобланадиган ҳолатлар ҳақида тушунтириб беринг.
30. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва унинг тайинланиши ҳақида нималарни биласиз?
31. Ногиронлик даврида танаффуслар бўлган тақдирда пенсия тўлашни қайта давом эттириш қандай амалга оширилади?
33. Меҳнат шартномасини тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилинишини тушунтириб беринг.
34. Турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотиш масаласида тушунтириб беринг.
35. Вояга етмаган шахслар давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиши мумкинми?
36. Пензионернинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсияни тўлаш ва дафн этиш учун нафақа тўлаш қандай амалга оширилади?
37. Қандай ҳолларда пенсиядан чегириб қолинади?
39. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг шикоятларни кўриб чиқиш чоғидаги ҳуқуқлари нималардан иборат?
40. Солидар ва субсидиар жавобгарлик тушунчалари ва уларнинг ўзаро фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
41. Мажбуриятнинг бекор бўлиш асослари ҳақида тушунтириб беринг.

42. Белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар деганда кимлар тушунилади ва улар учун минимал қанча жой ажратилиши керак?
45. Имтиёзли шартларда пенсияга чиқишга кимлар ҳақли?
46. Ёшга доир пенсия муддатидан олдин қандай ҳолларда тайинланади?
47. Фуқаро қандай турдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланган бўлса, иш стажига қўшиб ҳисобланиши мумкин бўлади?
48. Маънавий зарарни қоплаш тартиби қандай?
49. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактнинг ўзаро фарқли жиҳатлари нималардан иборат?
51. Адлия вазирлиги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чораларни амалга ошириш соҳасида қандай функцияларни амалга оширади?
52. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тартиби ҳақида маълумот беринг.
54. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати. Унинг вужудга келиши. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишга сабаб бўлган асослар ҳақида тушунтириш беринг.
55. Даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ҳақида тушунтириш беринг.
57. Меҳнат шартлари деганда нима тушунилади, қайси ҳолларда иш берувчи меҳнат шартларини ходимнинг розилигисиз ўзгартиришга ҳақли?
58. Қайси ҳолларда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касаба уюшмаларининг розилиги олинмайди?
59. Меҳнат шартномасининг тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бўйича бекор қилиниши масаласини ёритиб беринг.
62. Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган ишларни санаб беринг?
63. Ер участкаси ажратиш тартибини ёритиб беринг.
64. Фарзандликка олиш тартибини тушунтириш беринг.
66. Никоҳ давомида орттирилган мол-мулк қандай тартибда бўлинади?
67. Транспорт воситаларини ушлаб туриш асослари бўйича тушунтириш беринг.
68. Ногиронлиги бўлган шахсларга қонун ҳужжатларида уй-жой олиш бўйича қандай имтиёзлар белгиланган?
70. Аутстаффинг хизматлари ва уларни ташкил этиш тартиби бўйича маълумот беринг.
71. Кимлар иш қидираётган шахслар сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олиниши мумкин?
72. Ўзини ўзи банд қилган шахс мақомини олиш масаласини ёритиб беринг.
73. Ўзини ўзи банд қилган шахсларга қандай имтиёзлар берилади?
74. Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш қай ҳолларда рад этилади?
75. Иш берувчи банкрот бўлганлиги ёки тугатилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимларни қандай моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади?
76. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қандай ишлар юзасидан ҳамкорликни амалга оширади?

77. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди қандай ишлар юзасидан ҳамкорликни амалга оширади?

78. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қандай ишлар юзасидан ҳамкорликни амалга оширади?

79. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қандай ишлар юзасидан ҳамкорликни амалга оширади?

80. Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1993 йил 22 январь) ва унга доир Баённомага (Москва, 1997 йил 28 март) аъзо давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги қандай ишлар юзасидан ҳамкорликни амалга оширади?

81. Ташкилотлардан бўшатишган шахсларга ишсизлик нафақаси тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

82. Ишсизлик нафақаларининг ортиқча тўланган суммаларини ушлаб қолиш бўйича маълумот беринг.

83. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби қандай?

88. Қайси ҳолларда ёшга доир пенсиялар муддатидан олдин тайинланади?

89. Кимлар боқувчисини йўқотганлик пенсияларини олиши мумкин?

90. Боқувчисини йўқотган эр(хотин) янги никоҳдан ўтса, боқувчисини йўқотганлик нафақаси олиши мумкинми?

91. Пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда қанақа иш ҳақи турлари эътиборга олинади?

92. Дафн этиш учун нафақа олиш тартибини ёритиб беринг.

95. Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш жумласига нималар киради?

96. Фуқаролар қайси ҳолларда хорижга чиқиш учун биометрик паспортни олишда давлат божини тўлашдан озод қилинади?

97. Кимлар васий ва хомий этиб тайинланмайди?

98. Меҳнат низолари бўйича кимлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?

99. Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тулайдиган алимент миқдори қандай?